

## ҲОСИЛГА ХАРИДОР БОР(МИ)?



Президентнинг 2021 йил 23 ноябрдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган аҳолига деҳқон хўжалиги учун ер танлов асосида ижарага берилган эди.

Ўтган йили Андижонда бу ерларнинг аксариятига чорва экинлари ва кунгабоқар экилди. Ҳосил ҳам ҳамиқадар: кимдир бир-икки тонна маккажўхори силоси, яна кимдир 100-200 килограмм кунгабоқар ҳосили йиғиштириб олди.

Ҳолбуки, бу ерлардан камида икки марта ҳосил олиш керак. Шундагина деҳқоннинг қули пул кўриб, касоиси оқаради. Акс ҳолда, сарфланган харажат ўзини оқламайди.

Одатда деҳқон ҳосилни парваришлаб, зараркунадан ҳашаротлардан асраб, уни харидорига етказа олса, маррага етган ҳисобланади. Ўзоққа бормаиллик, Наманган вилоятининг Учкўрғон туманида шу йилнинг ўзида, оз эмас, кўп эмас, 2,5 минг гектар ерга қулупнай экилди. Ҳар гектардан 10-12 тонна

ҳосил олиниб, ўртача 300 миллион сўмдан соф фойда кўрилади. Буни мўмай даромад деса бўлади. Унга қулупнайнинг килограммини 25-35 минг сўмдан кўшни Қирғизистон, Қозғистонга экспорт қилиш натижасида эришилди.

Лекин деҳқон қўлини қабартириб меҳнат қилса-ю, уни харидорга пуллаб олмаса, рўзгорига барака кирадими? Яъни етиштирилган ҳосилга даланинг ўзида пул тўлайдиган мард топилмаяпти. Хитой тажрибасидан маълумки, ҳар бир ҳудудда ҳосилни сотиб олиб, экспортга йўналтирадиган ёки қайта ишлайдиган корхоналар ташкил қилинса, самара беради.

Агар хомчўт қилиб кўрсак, деҳқон 10-15 сотих ердан 5-6 тонна помидор ҳосили



олиб, унинг 2-3 тоннасини экспортчиға пулласа, ҳеч бўлмаганда, 10-15 миллион сўм даромад кўради.

Ўтган йилнинг аччиқ ҳақиқати шу бўлдики, пиёз, тарвуз етиштирган деҳқон чув тушди. Гектарлаб етиштирган ҳосилни сув текинга сотди, қанчаси касодга учради. Ҳолбуки, ҳосил экспортга чиқарилганда ёки қайта ишланганда, фойда бўларди.

Шундай экан, ҳар бир ҳудудда ҳосилни сотиб оладиган кооператив корхоналар ташкил этиб, уларнинг фаолиятини жонлантириш пайти келди. Бу эзгу ишга мутасаддилар бош бўлиб, деҳқонга далда бўлармикан?

Анваржон ҲАЛИМОВ  
«ISHONCH»



Энг катта бахт, мен буни минг марта қайтаришдан чарчамайман, оиламиз тинч бўлсин! Оила кичик ватан, оила тинч бўлса, бахтли бўлса, ватан тинч бўлади. Ўша бахтли кунларни, ватанимизнинг, ёшларимизнинг камолини ҳозир ният қилаётганимиз каби кўриш ҳаммамизга насиб этсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ

## НАЖОТ ЭШИКЛАРИ ДОИМО ОЧИҚ

«Эртага қандай қилиб пенсияга чиқаман, кексаяганимда кимдан меҳр топаман?» деган саволлар уни қийнаб келарди. «Аёллар дафтари»нинг 6-босқичи рўйхатига киритилди. Моддий қўлишди. Бу унга ҳаёти оғир кечаётган, ёрдамга муҳтож аёллар учун давлат томонидан яратилган умид эшиги бўлиб туюлди. Маҳалла фуқаролар йиғинига борди. У ерда рўйхат шакллантириларди, бироз муддат кутиши кераклигини айтишди.

Жавобдан қаноатланмаган Сурайё бошқа нажот эшигини излай бошлади. Шунда 1211 рақамли «Ишонч телефони» борлигидан хабар топди. Тезда кўнгирок қилди. Ишсизлиги, моддий қийинчилиги, маҳалладан рад жавоби олганини айтиб, «Аёллар дафтари»га киритилишида ёрдам сўради.

Мурожаат мутасаддиларга йўналтирилди. Гурпан тумани ҳоқимлиги масалани батафсил ўрганиб чиқди. Натижада у ишсиз аёл сифатида «Аёллар дафтари»нинг 6-босқичи рўйхатига киритилди. Моддий қўмак ҳам берилди. Ҳозир бандлигини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Турмушдаги қийинчиликлар, ижтимоий ҳимоясизлик, ёлғизлик сабабли Сурайё Алимова каби руҳий тушкунликда эзлаётган аёллар оз эмас. «Аёллар дафтари» уларнинг ҳаётига нур олиб кираётгани эса бор гап. 1211 рақамли «Ишонч телефони» бундай имкониятларни янада кенгайтирмоқда.

Биз кўмакка муҳтож бошқа аёллар ҳам шундай нажот эшиги борлигини билишларини истардик.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА  
«ISHONCH»

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида «Ибратли оила» кўкрак нишони билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат вакиллари, турли ташкилотлар масъуллари, сенаторлар, депутатлар, олималар, ижодкорлар, оила ва хотин-қизлар тизими ривожига муносиб ҳисса қўшган фаоллар, устозлар қатнашдилар.

## ИБРАТЛИ ОИЛА – ЮРТ ТАЯНЧИ

Таъкидланганидек, 10 миллион 300 мингдан ортиқ оила мавжуд мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги нуфузини ошириш бўйича салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Бу борадаги давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида энг қулай бўлган – маҳалла ва хонадонгача кириб борадиган вертикал тизим яратилди, «маҳалла етилиги» фаолияти кучайтирилди, оила давлат ҳимоясида эканини намоён этувчи ижтимоий омиллар кўпайди.

Ҳаёт тарзида миллий қадриятларни, маърифий меъзоларни асраб авлодларга етказиб бериш, фарзандларини ҳалол, ватанпарвар ва ўқимшли қилиб тарбиялаётган, оилавий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришга ҳисса қўшаётган, ҳаётий тажрибалари оммалаштиришга муносиб бўлган оилалар, икки йилдирки, 15 май – Халқаро оила куни арафасида «Ибратли оила» кўкрак нишони билан тақдирланмоқда. Жорий йилда ушбу кўкрак ни-

шони билан тақдирлаш тизими янада такомиллаштирилиб, саралаш жараёни янги ёндашувлар асосида ташкил этилди. Худудий комиссиялар, вазирлик ва идоралардан мазкур кўкрак нишонига 5000 та оила тавсия этилди ва иштирокчи оилалар сони ўтган йилга нисбатан 5,1 бараварга ортди. Натижада бултур 208 та оилга ушбу нишон берилган бўлса, жорий йилда 2000 та оила бундай эътирофга муносиб қўрилди.

Тантанали тадбирда ҳудудлардан 14 та, вазирлик ва идоралардан 46 та оила тақдирланиб, уларга «Ибратли оила» кўкрак нишони, гувоҳномаси ва пул мукофотлари топширилди.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулхайро Маҳкамова сўзга чиқди.

Касаба уюшмалари саройида элимиз суйган санъаткорлар иштирокида тадбирнинг маданий қисми давом этди.

Комила БОЙМУРОВА  
«ISHONCH»



Эъло УМУРЗОҚОВА оила сўраб

## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР АКАДЕМИЯСИГА 2025/2026-ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚАБУЛ БОШЛАНГАНЛИГИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар Академиясига ҳужжатлар қабули бошланди!

Сиз 2025/2026-ўқув йилидан бакалавр босқичида қуйидаги йўналишларда таҳсил олишингиз мумкин:

- Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги;
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги;
- Инсон ресурсларини бошқариш;
- Ижтимоий иш (соҳалар бўйича);
- Психология (фаолият турлари бўйича);
- Менежмент;
- Юриспруденция;
- Бухгалтерия ҳисоби;
- Метрология ва стандартлаштириш.

Академияда ўқиш истагида бўлган абитуриентлар қуйидаги @atso\_xizmatlar\_bot (https://t.me/atso\_xizmatlar\_bot) телеграм бот орқали рўйхатдан ўтишлари мумкин.

Абитуриентларга қўлайлик яратиш мақсадида имтиҳонлар Академия ўқув биносида электрон тест шаклида, шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9:00 дан 16:00 га қадар ташкил этилади. Абитуриентлар ўзларига қўлай бўлган вақтларда имтиҳон синовларидан ўтишлари мумкин.

Қабул бўйича қўшимча маълумотларни Академиянинг мурожаатлар марказидан олишингиз мумкин:

Тел: (55) 506-01-50, (71) 265-01-64, (90) 830-30-48,  
vеb sayt: www.atso.uz

## ҲУЖЖАТ ТОПШИРИНГ ВА ЗАМОНАВИЙ КАСБ ЭГАЛЛАШ САРИ ҚАДАМ ТАШЛАНГ!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси  
Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар Академияси



# КЎП БИЛАН КЕНГАШИБ, МАЪҚУЛИГА ЁНДАШИБ

Сайланаётган етакчилар ўрта бўғин касаба уюшмалари фаоллигини оширишда муҳим аҳамиятга эга

Хабарингиз бор, қарийб уч ой давом этган бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари ниҳоясига етиб, навбат ўрта бўғиндаги тузилмалар — тармоқ касаба уюшмалари вилоят, шаҳар ва туман ҳудудий кенгашлари етакчилари сайловига келди. Жараён дорасида Андижон вилоятида ҳам 55 та ташкилотда конференциялар ўтказилиши назарда тутилган.

Маълумки, ҳудудий кенгашлар фаолияти касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, меҳнат ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини ифода қилиш ва ҳимоя қилиш борасида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Хусусан, юридик шахс мақомига эга муассаса ва ташкилотларда жамоа шартномалари тузилишига эришиш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш, меҳнат оид ва меҳнат муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, меҳнат ҳуқуқи нормаларини ўз ичига олган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш, касаба уюшмаси аъзоларига бепул ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида зарур ҳолларда даъво аризалари билан судга мурожаат қилиш каби жиҳатлар ўз-ўзидан бўлмайди.

Қолаверса, кенгашлар уставида меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ходимларга иш ҳақи ва бошқа тўловлар тўланишида ижтимоий адолатли тизим жорий этилишига кўмак

лаиш, ҳар бир аъзонинг меҳнатга оид, мутахассисликка эга бўлиш, малака ошириш, муносиб ва ўз вақтида иш ҳақи олиш ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, улар ўрта-сида маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт, соғломлаштириш тадбирларини ҳамда дам олишларини ташкил этиш, ходимларнинг санаторийларда даволанишлари ҳамда бола-ларни соғломлаштириш, дам олдиришни ривожлантириш масалаларида давлат ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бирлашмалар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш сингари йўналишлар ҳам бор. Бу вазифаларни беками-кўст адо этиш орқали барча аъзоларнинг кўнглини бирдай олиш етакчидан чуқур билим, ҳаётий тажриба, ташкилотчилик, жонсарақлик, фидойилик, бағрикенглик каби фазилатларни талаб этади. Шу боис ҳам одатда номзодни танлашда делегатлар ниҳоятда ҳушёр бўладилар. Чунки делегат маъқул деб билган номзодни ёқларкан, энг аввало, ўзи касаба уюшмаси кўмитаси раиси сифатида фаолият юритаётган ташкилотдаги ходимлар ҳуқуқ ва манфаатларини тарозига қўяди. Шу маънода ҳудудий кенгашларда бошланган конференциялар мунозараларга бой бўлаётгани, номзодларнинг режаларига нисбатан жиддий саволлар ўртага қўйилаётгани бор гап. Бугунга қадар Андижон вилояти бўйича 17 та ташкилотда ўтказилган конференцияларда делегатлар ўзлари муносиб, деб билган етакчиларни сайлаб олдилар. Хусусан, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Андижон шаҳар кенгашида дастлаб сўнгги беш йилликдаги фаолият сарҳисоби тинланди.

Зикр этилаётган муддатда кенгаш қошида тузилган эксперт комиссияси томонидан 63 та



жамоа шартномаси лойиҳаси кўриб чиқилиб, хулосалар берилган. Жамоа шартномаларига аёллар ва ёшлар учун қўшимча қасолат ва имтиёзлар киритилди. 2020 йилда корхона, ташкилот, муассасаларда жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун ҳар бир ходимга ўртача сарфланган маблағ миқдори 3 миллион 100 минг сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилга келиб бу кўрсаткич 2,5 баробарга ортиб, 7 миллион 600 минг сўмга етган. Беш йил ичида 249 нафар касаба уюшмаси аъзосига санаторийларга, уларнинг 549 нафар фарзанди учун эса оромгоҳларга имтиёзли йўланмалар ажратилган.

Айтиш керакики, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари таъминланиши устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ушбу даврда

кенгашнинг доимий диққат марказида бўлди. Яъни фуқаролардан тушган 330 та мурожаатнинг барчаси кўриб чиқилиб, аксарияти ижобий ҳал қилинди. 12 нафар аъзонинг меҳнат ҳуқуқлари тикланди. Бундан ташқари, 25 та корхона, ташкилот, муассасада меҳнат муҳофазаси ҳолати ўрганилиб, бу борадаги қоида ва талабларга риоя этилишини таъминлаш соҳасида 18 та камчилик аниқланди. Иш бевуриларга 15 та тақдимнома киритилиб, қайд этилган камчиликлар бартараф қилинди. Ўрни келганда, айтиш мумкин бўлган фаолият расмиятчилик билангина чекланмай, балки касаба уюшмаси ходимлари ва фаолларнинг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги билим ва кўникмаларини оширишга мунтазам равишда эътибор қаратиб келинганини таъкидлаш жоиз.

Жиддий мунозаралар якунида ташкилотнинг ҳисоботи иштирокчилар томонидан қониқарли баҳоланиб, кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Шундан сўнг яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда Нодирбек Акбаров кўпчиликл овоз билан кенгаш раислигига қайта сайланди.

**Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Жалақудуқ тумани кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси аввалида ҳам кенгаш раисининг 2020 йил май ойидан 2025 йил май ойигача бўлган давр мобайнидаги фаолияти якунлари ҳамда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги келгуси вазифаларга доир ҳисоботи эшитилиб, делегатлар томонидан қониқарли, деб баҳоланди. Жиддий мунозаралар якунида делегатларнинг аксарият қисми Отабек Усмоновга такроран ишонч билдириб, бу гап ҳам уни раислик рутбасига лойиқ кўрдилар. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг вилоят кенгаши ҳамда тармоқ касаба уюшмаларининг ҳудудий кенгашлари мутасаддилари иштирок этаётган конференцияларда келгуси устувор юмушлар, шу жумладан, касаба уюшмалари ҳарақатининг 120 йиллигини кенг нишонлаш борасидаги вазифалар ҳусусида ҳам фикр алмашиланаётми.**

Нурилло НЎЪМОНОВ  
«ISHONCH»

## ВАЛИЕВЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАДИМИ?

Қуруқ сўз, ваъда билан ишонч қозониб бўлмайди. Айниқса, одамларга эмин-эркин танлаш имконияти берилган бир вазиятда камчиликлар юзага кўрғанадек қалқиб чиқади. Хато кимда йўқ?.. Унча-мунча-сига қўл силталса-да, ҳал қилувчи жараёнда ҳақиқат барибир бетга айтилади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар ҳамда Таълим ва фан ходимлари Иштихон тумани кенгашларининг ҳисобот-сайлов конференциялари ана шундай «жанговар», таҳлилий-танқидий фикрларга бой бўлди.

Давр руҳи, ислохотлар шитобини англамасдан кенгаш тургул бошланғич ташкилот «аравасини» ҳам тортиб бўлмайди. Бундан беш йил олдин анча пароканда ҳолга тушган, қўллаб қўйи ташкилотлар тарқоқ ҳолга келган тармоқ касаба уюшмаси раҳбарлигига Рустам Валиев сайланган эди. Тизим

бошланғич ташкилотларида 6-8 минг атрофида жамланган аъзолар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, таркибдан чиқиб кетганларни қайтариш, янги ташкилотларни сафга тортишдек улкан вазифалар белгиланди.

Ҳўш, кейин нима ўзгарди? Ҳисобот-сайлов конференциясида кенгашнинг ана шу йўналишдаги ишларига ҳам бир қур назар ташланди. Ўтган давр соҳа ташкилотлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, аъзолар сонини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этди. Беш йил ичида тармоқ касаба уюшмаси аъзолари сони 1,5 баробарга ўсиб 16 минг кишидан ошди. 14 та янгидан ташкил этилган корхона ва муассасада касаба уюшма ташкилотлари тузилишига эришилди.

Меҳнат муҳофазасига оид 3564 та тадбир ўтказилиб, муносиб меҳнат шaroитлари яратилишига салкам йигирма уч миллион сўм йўналтирилди. Эътиборли жиҳати, ҳисобот даврида тизим корхоналарида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларга барҳам берилди. Жамоа шартномалари орқали ишловчилар иш

ҳақига қўшимча тарзда саксон етти миллион сўмдан ортиқ қасолат ва компенсация, моддий ёрдам ҳамда мукофот пуллари ажратилишига эришилди.

— Муқобиллик асосида бўлиб ўтган сайловда уч нафар номзод — Рустам Валиев, Юлдуз Каримбекова, Ёдгор Эгамбердиев кенгаш раислигига тавсия этилди, — дейди «Аэрогеодезия» Самарқанд вилояти ҳудудий филиалидан келган делегат Феруза Мусаева. — Ҳар учала номзод ҳам кенгаш раислигига муносиб кишилар. Аммо мен ҳеч иккиланмай Рустам Валиевга овоз бердим. Чунки у киши фаолияти давомида ўзининг ташкилотчилик ва етакчиликка хос интилишларини кўрсата олди. Қолаверса, АСМ касаба уюшмаларининг турли бўғинларида ишлаб катта тажриба тўплаган. Сайлов натижаларига қараб англадимки, делегатларнинг аксарият қисми ҳудуд мен каби фикрда экан. Шу боис кўпчилик овоз билан кенгашмизнинг аввалиги раҳбари қайта сайланди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Иштихон тумани кенгашида бу жараён сал бошқачароқ кечди. Тармоқ ка-

саба уюшмаси ўтган беш йиллик фаолияти билан нафақат соҳа ходимларини, балки бутун туман аҳлини таништирди. Сайловдан бир неча кун аввал ҳисобот тезислари туман газетасида ёритилди. Барча муҳокама-мунозараларга чорланди. Қўллаб қўйиладиган таклифлар олинди.

Албатта, жамоат ташкилотининг кўлдан-кўп савобли ва хайрли ишларини кўрсатмаслик инсофдан эмасди. Ҳисобот даврида тизимда меҳнат қилаётган 564 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари сиҳаттоҳларга имтиёзли йўлланма билан таъминланди. 14 нафар байналмилалчи фахрий бепул дам олдирилди. Тармоқ ходимларининг 1290 нафар фарзандига оромгоҳларга имтиёзли йўлланмалар тақдим этилиб, ҳар йили қозлаб ходимларга ички туризм йўналишида саёҳатларда бўлиш имконияти яратилди.

Яширин овоз бериш йўли билан бўлиб ўтган сайловда уч нафар номзод орасидан энг кўп овоз тўплаган Бахтиёр Валиев туман кенгаши раислигига қайта сайланди.

Нурилла ШАМСИЕВ  
«ISHONCH»

Шу кунларда касаба уюшмалари тизимида ҳақиқий қураш кетмоқда. Ҳар бир жамоа кўпчилик ишончини оқлаган инсонларни етакчиликка сайламоқда. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Ангрн шаҳар кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясида ҳам делегатлар бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратишди. Унда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан Бедиллов, вилоят кенгаши раҳбарияти, туман ва шаҳар кенгашлари раислари ҳам иштирок этишди.

Конференцияда 2020-2025 йиллардаги фаолият ва келгусидаги вазифалар тўғрисида шаҳар кенгаши раиси Бахтиёр Юлдашевнинг ҳисоботи тинланди. Шунингдек, тафтиш комиссияси ҳисоботи ҳам эшитилди. Якунда шаҳар кенгашнинг фаолияти қониқарли, деб баҳоланди.

— Тармоқ бугун 1541 та бошланғич ташкилотга эга бўлиб, уларга 111 минг нафарга яқин аъзолар бирлашган, — дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси республика кенгашининг Тошкент вилоятидаги масъул ташкилотчиси Равшан Ганиева. — Бошланғич ташкилотларда ўтган ҳисобот-сайловларда амалдаги раисларга кўпчилик катта ишонч билдирди. 171 та бошланғич ташкилотда эса янги раислар иш бошлади. Раислар



## БАХТИЁР АКАГА ЯНА БАХТ КУЛИБ БОҚДИ



орасида давлат мукофотига эга бўлган ҳудудий кенгашлар депутатлари ҳам борлиги янада қувонарли. Энди эса туман ва шаҳар кенгашлари раислари сайланмоқда.

Муқобиллик асосида ўтган сайловда амалдаги раис Бахтиёр Юлдашевга яна бахт ку-

либ боқди — у кўпчилик делегатларнинг овози билан шаҳар кенгаши раиси бўлди. Сўнгра Республика кенгаши раиси Равшан Бедиллов бошчилигида барча туман ва шаҳарлардаги кенгаш раисларига навбатдаги конференцияларни ўтказишда камчилик ва хатоларга йўл қўймаслик юзасидан амалий семинар ташкил этилди.

Бундан ташқари, туман ва шаҳар кенгаши раислари узоқ йиллар тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Ўрта Чирчиқ тумани кенгаши раиси бўлиб ишлаган, бевақф оламдан ўтган Музаффар Давлатовнинг хонадонига боришди. Марҳумнинг oilасига моддий кўмак ҳам кўрсатилди.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА  
«ISHONCH»

## КУБОК ШАҲАРЛИКЛАРДА КЕТДИ



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши касаба уюшма кубоги спорт мусобақасининг финал босқичини ўтказди. «Соғлом танда — сифатли таълим» шiori остида ташкил этилган ушбу тадбирда таълим муассасалари ходимлари спортнинг футбол, шахмат, шашка, стол тенниси ва волейбол турлари бўйича ўзаро куч синашдилар.

— Мусобақаларда 30 минг нафардан ортиқ таълим ходими иштирок этди, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши раиси Эркинжон Нуралиев. — Бу унинг нуфузи йил сайин ошиб бораётганидан далolatдир.

Ҳар бир беллашув шиддатли ва кескин курашларга бой бўлди. Фолиб бўлиш учун кимдир омад қулиб боқмади, яна бирова вақт камлик қилди. Кубок эса Фарғона шаҳар устозларига насиб этди. Уларга 30 миллион сўм пул мукофоти ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Жамшид ЭРГАШЕВ  
«ISHONCH»



## КАСАБА УЮШМАСИ АРАЛАШГАЧ... ҲАҚИҚАТ ҚАРОР ТОПДИ

Кенгашимизга Умарали Авлиев, Бунёд Раҳимов, Нурмуҳаммад Омоновлар мурожаат қилишди. Шикоят-ариза мазмунига кўра, улар аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозимида ишлаб келган. Аммо иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Масалани жойига қиқиб атрофлича ўргандик. Маълум бўлишча, 2024 йилнинг биринчи чораги бўйича уларнинг фаолияти қониқарсиз, деб топишган ва ҳайфсан берилиб, иш ҳақининг 30 фоизи миқдорига жарима жазоси тайинланган. Шундан сўнг ҳоким ёрдамчилари Меҳнат кодексининг 161-моддаси, 2-қисми, 4-бандига асосан вазифасидан озод этилган.

МКнинг 313-моддаси талабига биноан, иш берувчи ходимга интизомий жазо қўллашдан олдин ёзма тушунтириш хати олиши, интизомий жазо сабабларини кўрсатиб, имзо чектириши лозим. Борди-ю, ходим ўзига нисбатан тайинланган интизомий жазо ҳақида бўйруқ билан таништирилмаган бўлса, интизомий жазоси йўқ ишчи тоифасида бўлади. Мазкур ҳолатда иш берувчи ҳоким ёрдамчиларини интизомий жазо қўлланилгани ҳақида хабардор қилмаган. Шунингдек, меҳнат

шартномасини бекор қилишдан олдин ходимлардан тушунтириш хати талаб қилмаган. Раҳбариятнинг бу ҳаракати МКнинг 313-165-моддалари бандларига зид.

Умарали Авлиев, Бунёд Раҳимов, Нурмуҳаммад Омоновлар манфаатини қўлаб, судга даъво-ариза киритди. Аммо адолат кўргони уни рад этди. Дарҳол апелляция тартибда шикоят ёздик. Шундан сўнг, ҳақиқат қарор топди. Ходимлар аввалги лавозимига ишга тикланди. Шунингдек, иш берувчидан Нормуҳаммад Омонов ва Умарали Авлиев фойдасига 58 миллион 731 минг 756 сўм, Бунёд Раҳимовга эса 54 миллион 955 минг 161 сўм ундириб берилди.

Зариф ХОЛОВ,  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори



■ СЎРАНГ, ЖАВОБ  
БЕРАМИЗ...

**ИШХОНАДА ИЧИШ  
ЁКИ МАСТ ҚОЛДА  
КЕЛИШ БЎШАТИШГА  
АСОС БЎЛАДИМИ?**

Айни пайтда иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатлар янги тахрирдаги Меҳнат кодекси бўйича амалга оширилмоқда. Янгиланган тартибга кўра, икки томонлама шартномани бекор қилиш ҳақида батафсил маълумот олсам дегандим.

Соҳиб ДИЁРОВ  
Бухоро вилояти

Меҳнат кодексининг 161-моддасига асосан, иш берувчи меҳнат шартномасини ходим ўз мажбуриятларини қўпол равишда бузгани учун бекор қилиш ҳуқуқига эга. Яъни агар хизматчи ҳеч қандай сабабсиз иш жойида 3 соатдан ортиқ вақт мобайнида йўқ бўлиши, корхона, ташкилот ёки муассасага маст ҳолда келиши, техника хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузиши ёки раҳбарининг мол-мулкига зарар етказиши, масалан, ўғирлаши каби ҳолатлар рўй берган тақдирда шартномани бекор қилиш мумкин.

Бунда жараён актлар, хизмат ёзувлари ва комиссия хулосалари билан расман қайд этилиши жоиз. Ишчидан ёзма тушунтириш сўралади. Бунинг учун камида икки кун муҳлат берилиши лозим. Агар ходим тушунтириш беришдан бош тортса, икки нафар гувоҳ иштирокида далолатнома тузилиши талаб этилади. Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида буйруқ қабул қилиниб, унда аниқ модда ва қўпол хато тури кўрсатилиши шарт.

Ишдан бўшатишдан куннинг ўзида ходим билан ҳисоб-китоб қилиниши зарур. Ойлик маош, фойдаланилмаган таътил бўлса, компенсация, меҳнат дафтрачиси ва бошқа зарур ҳужжатлар топширилиши даркор.

Эътибор бериш мумкин бўлган яна бир жиҳат шундаки, ҳар бир жараён қонуний асосда расмийлаштирилиши керак. Ҳужжатлар тўлиқ ва ишончли бўлиши жоиз. Акс ҳолда, буйруқ ноқонуний деб топилиши мумкин.

Борди-ю, ходим ўз ҳуқуқларини бузилган деб ҳисобласа, уч ой муддат ичида судга даъво-ариза киритиш ҳуқуқига эга.

Саволга Ўзбекистон  
касаба уюшмалари  
Федерациясининг Меҳнат  
инспекцияси бошлиғи  
ўринбосари  
Алишер САИДОВ  
жавоб берди



«Ўзбекцирк» давлат муассасасининг асосий ва ёрдамчи бинолари 1976 йилда қурилган бўлиб, 1998-1999 йилларда бинода капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Унинг асосий ва ёрдамчи бинолари таъмирталаб бўлса-да, цирк артистлари ўз фаолиятини амалга ошириши ҳамда цирк томошаларини кўрсатиши учун қўлай шарт-шароит мавжуд. Айни пайтда бинони таъмирлаш юзасидан тегишли (лойиҳалаш юзасидан концепция) ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 январдаги «Ўзбек цирк санъатини янада ривожлантириш ва «Ўзбекцирк» давлат муассасаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2021-2022 йиллар давомида таъмирлаш ҳамда қўшимча бинолар қуриш белгиланган эди, лекин пандемия сабаб қурилиш ишларига маблағ ажратилмаган ҳамда қурилиш вақтинча тўхтатишган.

Шунингдек, цирк артистларининг ойлик маошлари давлат бюджетидан ҳамда муассаса бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қўшимча равишда рағбатлантириб борилади. Қолаверса, уларда шартнома асосида хорижий давлатларда ишлаш имконияти бор.

Вазирнинг биринчи ўринбосари

## «ISHONCH»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

# ЦИРКДА ҲАММАСИ ЖОЙИДА

«Ishonch» газетасининг 2025 йил 24 апрелдаги сонида «Бизга цирк керак эмасми?» сарлавҳали мақола эълон қилиниб, мутасаддилар ҳукмига ҳавола этилган эди. Унга Маданият вазирлиги қуйидаги мазмунда жавоб берди:

«Ўзбекцирк» давлат муассасасининг асосий ва ёрдамчи бинолари 1976 йилда қурилган бўлиб, 1998-1999 йилларда бинода капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Унинг асосий ва ёрдамчи бинолари таъмирталаб бўлса-да, цирк артистлари ўз фаолиятини амалга ошириши ҳамда цирк томошаларини кўрсатиши учун қўлай шарт-шароит мавжуд. Айни пайтда бинони таъмирлаш юзасидан тегишли (лойиҳалаш юзасидан концепция) ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 январдаги «Ўзбек цирк санъатини янада ривожлантириш ва «Ўзбекцирк» давлат муассасаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2021-2022 йиллар давомида таъмирлаш ҳамда қўшимча бинолар қуриш белгиланган эди, лекин пандемия сабаб қурилиш ишларига маблағ ажратилмаган ҳамда қурилиш вақтинча тўхтатишган.

Шунингдек, цирк артистларининг ойлик маошлари давлат бюджетидан ҳамда муассаса бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қўшимча равишда рағбатлантириб борилади. Қолаверса, уларда шартнома асосида хорижий давлатларда ишлаш имконияти бор.

А.ТАДЖИХАНОВ

ТАХРИРИЯТДАН:

Вазирликнинг жавобидан кўриниб турибдики, улар бизга шунчаки ҳисобот учун муносабат йўллашган. Гўёки циркда ҳаммаси жойида. Амалда эса, ҳолат жуда ачинарли. Цирк ходимлари ўз фаолиятларини амалга оширишлари учун барча шарт-шароитлар етарли эмас... Бу гапга на қилишни, на йиғлашни биласан, киши... Масъуллар реал вазиятни бориб, ўз кўзлари билан кўришганда, балки бундай жавоб йўллашмаган бўларди...

Дарвоқе, Маданият вазирлиги яқинда 15,5 миллиард сўмга «Маданият қарвони» лойиҳаси учун икки дона махсус юк машинаси (муסיкий жиҳозлар ва кўчма саҳнага эга) сотиб олгани ҳақида хабарлар тарқалди.

Тўғри, республикамизнинг олис ҳудудларида концерт томошалари уюштириш учун бу каби ускуна ва жиҳозлар бўлгани яхши. Аммо доимий фаолият юритадиган, ўз тарихи ва анъаналарига эга муассаса – циркнинг ҳозирги ҳолатини таърифлашга тил ожиз...

## ҚОНУНДА ШАХС ДАХЛСИЗ, АМАЛДА-ЧИ...

Шахс дахлсизлиги инсон ҳуқуқларининг муҳим йўналишларидан биридир. У фуқароларнинг эркин ҳаёт кечириши, эркин фаолият юритиши, ҳар қандай ноқонуний аралашувлардан ҳимояланиши, шаъни, қадр-қиммати кафолатланишини англатади.

Мазкур тушунча халқаро ва миллий ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкам урин эгаллайди ва унга амал қилмаганлар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишлари мумкин. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган бир қанча қонунлар мавжуд. Уларнинг энг асосийси Конституциядир. Хусусан, Бош қомусимизнинг 27-моддасида «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас» деб қайд этилган. Аммо ахборот излаш, топиш ва тарқатиш осон

бўлган ҳозирги даврда шахсий дахлсизликни бузиш жуда жўн масалага айланди. Ўзаро ёзишмалар, шахсга оид видеоасвир ёки фотосуратларнинг рухсатсиз тарқатилиши шулар жумласидан.

Албатта, бундай ҳолатлар учун жавобгарлик бор. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 46-моддасига кўра, шахсга доир маълумотларни, шунингдек, унинг ҳуқуқ ва эркинлигига маънавий ёхуд моддий зарар етказиш базавий ҳисоблаш миқдорининг икки барабаригача, мансабдор шахсларга эса, икки баравардан беш барабаригача жарима солишга сабаб бўлади.

Мухтасар айтганда, дахлсизлик ҳар бир шахсининг қонуний ҳуқуқидир. Зотан, Конституциянинг 27-35-моддаларида фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашмаслик, яшаш жойига бостириб кирмаслик ва шахсий ёзишмалари, телефон орқали суҳбатлари сир тутилиши қатъий белгиланган. Демак, ҳар бир инсоннинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқини тўлиқ таъминлаш орқали том маънодаги ҳуқуқий демократик жамият қуриш мумкин. Бунинг учун эса, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўла англаши лозим.

Амирбек ОРИПОВ,  
Тошкент давлат юридик  
университети талабаси

## Ота-оналар ва умумтаълим мактаблари педагоглари диққатига!

Болаларнинг ёзда таъминли дам олиши ва соғломлашувини таъминлаш, шунингдек, юзага келган муаммоларни тезкор ҳал этиш ва жараёнлар борасида доимий назорат ўрнатиш мақсадида Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти ҳузурида республика ва ҳудудий штаблар тузилган.

Агар болаларнинг дам олиши ва соғломлашуви бўйича савол, таклиф ёки муаммоларингиз бўлса, қуйидаги телефон рақамлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

|    | Республика штаби:             | (71) 252-10-28  |
|----|-------------------------------|-----------------|
| 1  | Қорақалпоғистон Республикаси: | (61) 222-55-77  |
| 2  | Андижон вилояти:              | (74) 223-00-99  |
| 3  | Бухоро вилояти:               | (65) 223- 69-12 |
| 4  | Жиззах вилояти:               | (72) 226-30-51  |
| 5  | Қашқадарё вилояти:            | (75) 225-08-84  |
| 6  | Навоий вилояти:               | (79) 226-01-38  |
| 7  | Наманган вилояти:             | (69) 227-27-05  |
| 8  | Самарқанд вилояти:            | (66) 233-62-10  |
| 9  | Сурхондарё вилояти:           | (76) 223-52-83  |
| 10 | Сирдарё вилояти:              | (67) 225-89-29  |
| 11 | Тошкент шаҳри:                | (55) 510- 47-48 |
| 12 | Фарғона вилояти:              | (73) 244-19-23  |
| 13 | Тошкент вилояти:              | (95) 080-50-52  |
| 14 | Хоразм вилояти:               | (62) 228-79-78  |

Барча юзага келган масалалар юзасидан шу рақамлар орқали тўғридан-тўғри боғланиш мумкин. Штаблар 24 соат фаолият юритади.



Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти.



## АҚШ билан Россия ўртасида тўқнашув эҳтимоли бор

Украинадаги можаро янада авж олса, АҚШ ва Россиянинг тўғридан-тўғри ҳарбий тўқнашуви юзага келиши мумкин. Бу ҳақда 13 май куни АҚШ Қуролли Кучлари Шимолий қўмондонлиги раҳбари, генерал Грегори Гийо Конгрессдаги эшитувлар чоғида баёнот берди.

Генералнинг таъкидлашича, АҚШ ва унинг асосий геосийсий рақибларидан бири ўртасидаги бевосита тўқнашув эҳтимоли ортиб бормоқда. Зеро, Украина можаросининг ривожланиш сценарийида Вашингтон ҳамда Москва ўртасида очик тўқнашувга олиб келиши мумкин бўлган эскалация хавфи мавжуд.

Гийо АҚШга жиддий геосийсий таҳдид туғдира оладиган давлатлар қаторига Россиядан ташқари Хитой, КХДР ва Эронни ҳам киритди. Унинг фикрича, бу мамлакатлар Ғарбнинг заифлашганига тўлиқ ишон-

## Эрон ядровий консорциум тузишни таклиф қилди

Эрон урanni бойитиш бўйича АҚШ ҳамда минтақадаги араб давлатлари иштирокида Яқин Шарқ ядровий консорциумини яратиш билан боғлиқ кутилмаган ташаббус билан чиқди. Бу ҳақда «The New York Times» ўз манбаларига таяниб хабар берди.

Нашр маълумотига кўра, Эрон Ташқи ишлар вазири Аббос Ароқчи ушбу лойиҳани 11 май куни АҚШ президентининг махсус вакили Стивен Уиткоффга тақдим этган.

Лойиҳанинг моҳияти шундаки, Эрон ўз ядровий дастурини тўлиқ тўхтатишга доир АҚШ талабларига муқобил вариант таклиф қилмоқда. Эрон 3,67 фоизгача

## Исроил Ғазонинг шимолини ўққа тутди

«Al Jazeera» телеканалининг хабар беришича, 14 май куни Ғазо сектори шимолидаги Жабалия қочқинлар лагерига қилинган Исроил авиазарбалари оқибатида камида 36 киши ҳалок бўлган.

Хабарга кўра, ўнлаб одамлар жароҳат олган. «Al Jazeera»нинг маълум қилишича, сутка бошидан буён ҳалок бўлганлар сони камида 42 нафарга етган.

## Триполида яна уруш...

Ливия пойтахти Триполида яна қуролли тўқнашувлар бошланди. Бу ҳақда 14 май куни Al Wasat газетаси хабар берди.

«Триполида яна кескинлик. Шаҳарнинг бир қатор туманларида отишмалар кузатиляпти», дейилади нашр хабарида.

Маҳаллий аҳоли вакилларининг таъкидлашича, вазият ҳали ҳам жуда ноаниқ ва улар маҳаллий тўқнашувлар кенг қўламли можарога айланиб кетишидан хавотирда.

Исроил томони ҳозирча ушбу ҳужмага расмий изоҳ бергани йўқ. Таъкидлаш жоизки, Жабалия Ғазо секторидаги энг йирик фаластинлик қочқинлар лагерларидан бири ҳисобланади.

## АҚШ ва Хитой келишувга эришди

АҚШ ва Хитой ўртасида Швейцарияда эришилган ўзаро савдо божларини пасайтириш бўйича келишув 14 майдан кучга кирди.

Хитой Давлат кенгаши Тарифлар қўмитасининг 4 апрелдаги қарорига кўра, барча Америка маҳсулотларига 34 фоизлик бож ставкаси амал қиларди. Янги қарорга асосан бож ставка 10 фоизгача пасайтирилди, қолган 24 фоизлик фарқ эса 90 кунга музлатилди. Шу билан бирга, 9 ва 11 апрель кунлари чиқарилган божларни мос равишда 84 ва 125 фоизгача оширган қарорлар бекор қилинди. Шу тариқа, умумий тариф бир йўла 91 фоизлик пунктга камайтирилди.

АҚШ президенти Дональд Трамп ушбу келишув америкалик компанияларга Хитой бозорига чиқиш имконини яратишига ишонч билдирди.

«Хитой билан жуда-жуда яхши битим чизмалари пайдо бўлмоқда. Бунинг энг зур қисми – Хитойнинг Америка бизнеси учун очилиши. Бу таъмомила янги дунё. Бу Хитой учун ҳам фойдали бўлади, деб ўйлайман. Умид қиламанки, келишув амалга ошади», деди Трамп.

## Истанбулда Россия–Украина музокаралари бўлиб ўтади

Россия вакиллари 15 май куни Истанбулга етиб келади ва у ерда Украина томонини кутади. Бу ҳақда Россия президенти матбуот котиби Дмитрий Песков маълум қилди. Аммо Россия делегациясининг таркибига аниқлик киритилмади.

Бундан аввал Украина президенти Владимир Зеленский Туркия раҳбари Ражаб Тўййиб Эрдоғон билан Анкарада учрашув ўтказиш бўйича келишганини таъкидлаган эди. Бирок, унинг сўзларига кўра, агар Владимир Путин Истанбулни афзал кўрса, Украина томони у ерга боришга ҳам тайёр. «Биз бу учрашувнинг Путин билан ўтиши учун бор кучимизни сарфлаймиз. Фақат у ўт очишни тўхта-тиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин», деди Зеленский.


Маълумотга кўра, Россия ва Украина ўртасидаги музокараларда АҚШ давлат котиби Марко Рубио ҳам иштирок этиши мумкин. Бу ҳақда АҚШ президенти Дональд Трамп Саудия Арабистонидаги инвестиция форумида сўзлаган нутқида маълум қилди.

«Мен жуда яхши натижалар бўлишини кутаяпман», деди Трамп.

Ғарб ОАВ хабарига кўра, Истанбулга Трампнинг махсус вакиллари Стив Уиткофф ва Кит Келлог ҳам жўнаб кетади.

Оламгир ОТАЁРОВ  
тайёрлади





Баланд тоғ қоялари билан ўралган мўъжазгина  
Оёқчи қишлоғи Китоб туманининг сўлим гўшаларидан.  
Маҳаллий аҳолининг айтишича, унинг номи «Ой ботадиган тараф» ёки  
«Айғоқчи» маъноларини англатади. Бундан ташқари, қишлоқ «Оёқчи»  
деб ёзилса-да, у ерликлар «Аёқчи» деб талаффуз қилишади ва унинг  
илдизи «айғоқчи»га бориб тақалади. Кексаларнинг таъкидлашларича  
эса, қадимда бу ерда яшаганларни «ой ёқчиликлар» деб аташган.  
Мен шу қишлоққа қадам қўйгач, ўша ҳудудда яшовчи собиқ курсдошим  
Жасур Қувватовга учрашиб, Алвастикўлга бориш ниятида эканлигимни  
айтдим. «Шунча йўл босиб келибсиз, майли, борамиз, — деди у  
раъйимни қайтармай. — Аммо 10 йилча олдин катта сел келганда  
Алвастикўл қумга тўлиб қолганди»...

#### ХАРОБАЛАР ЎТМИШДАН СУЗЛАЙДИ

Қишлоқдан чиқиб, тоққа яқинла-  
шар эканмиз, сойнинг икки томони-  
даги тепаликларга кўзимиз тушди. У  
ерда эски уйлар қолдиқлари бор эди.  
Сабаби, олдин аҳоли ўша ерларда  
яшаган. Йигирманчи аср бошларида  
қўйига энган. Уйларнинг бир-бирига  
яқинлигидан, ҳовлиларининг ихчам-  
лигидан билиш мумкинки, аҳолининг  
асосий тирикчилик манбаи чорвачи-  
лик бўлган. Қўралар атрофида бўри-  
лар айланаб, одамларни ҳавотирга  
солган бўлиши, шу боис қавм-қарин-  
дошлар ўзаро келишиб, худди ҳозир-  
гидек аҳил-иноқ яшаган бўлишлари  
мумкин.

Одамлар тошларни кам ишла-  
тишгани боис тепаликлар орасидаги  
сой кенгаймаган. Уй харобаларини  
кўздан кечираётиб, пойдевор сифа-  
тида терилган тошларнинг аксарияти  
тоғ тошлари эканлигига, ҳали ҳам асл  
ҳолатини йўқотмаганига гувоҳ бўл-  
дик. Хоналарнинг кичиклиги эса улар-  
нинг томи кигиз билан ёпилганини ва  
ўтовга ўхшашлигини англатади. Чунки  
кигиз баҳорги ва кузги ёмғирларга бар-  
дошли. Ҳатто тинимсиз қор ёғса ҳам  
чакка ўтиши амримаҳол. Лекин ҳозир

бу ерда кигиз ёки ёғоч қолдиқларини  
учратмайсиз.  
Утган аср бошларида қишлоқ  
аҳли ёппасига тоғдан пастиikka маж-  
буран кўчирилган. Вақт ўтиши билан,  
Оёқчи ҳозирги кўринишда шаклла-  
ниб борган.

#### ҲАР ТЕПАЛИКНИНГ ЎЗ НОМИ, ЎЗ ТАРИХИ БОР

Одамлар яшаган тепаликларнинг  
ҳар бири ўз номига эга бўлган. Маса-  
лан, Монис, Чаккатош, Йўлсой, Илон-  
сой, Шилипоя, Минг дўлана, Читал  
сой, Катта Дўстқора, Кичик Дўстқора,  
Алвасти, Олволи патта, Чуқур юрт,  
Пистали мазор, Ҳужабочча, Бо-  
боқулди сойи, Жумақаллиқ сойи, Қо-  
ронғул. Уларнинг ҳар бирининг ўзига  
яраша тарихи ҳам бор.

Етмиш ёшлар чамасидаги Ақтам  
Бекназаровнинг айтишича, Оёқчи ўрта  
асрларда марказлашган жой бўлган.  
Унда хоннинг ёзги саройи қад ростла-  
ган. Аммо у қайси хон эканлиги одамни  
ўйлантиради. Сабаби, ўша кезлар Ки-  
тоб ва Шаҳрисабз Бухоро хонлиги та-  
сарруфида бўлган. Агар Ақтам Бекна-  
заров айтган хон Бухоро амири бўлса,  
унинг ёзги саройи ҳақида ҳеч қаерда  
ёзилмаган. Масалала ойдинлик кири-

тиш учун «Балки Китоб бекларига те-  
гишли бўлгандир?» дейман.

— Йўқ, хоннинг саройи бўлган! —  
дея ўз фикрида қатъий туради отахон.  
— Келишда йўлда кўргандирсиз, Жан-  
жалтепа бор. У ҳам айнан шу сарой  
билан боғлиқ. Сабаби олдин ким жи-  
ноятга қўл урса, шу тепаликда сўроқ  
қилинган ва ҳукм ўқилган. Ҳатто унинг  
ёнгинасида, Жумақаллиқ сойида зин-  
дон ҳам бор.

Қизиқиб зиндонни бориб кўрдим.  
Чуқурлиги икки, эни уч метрча кела-  
диган, икки-уч киши сифадаган чуқур-  
лик экан «Сиз айтган зиндон шуми?»  
дейман.

— Шу, — дейди у. — Чаккатошда ҳам  
зиндон қолдиқлари бор. Бу ерда ен-  
гил, у ерда оғир жиноят қилганлар  
сақланган бўлиши мумкин.

Тоғдан қайтишда танишим Мардон  
Иброҳимовдан сўраганимда, у киши  
«Қандай хон ўтганини билмадим,  
аммо Одина Хитой деганлари роса  
даврини сурган. Ҳужабоччада унинг  
боғи бўлган дейишади», дея жумбоққа  
изоҳ берди.

Одина Хитойнинг боғи ҳам Ақтам  
Бекназаров айтган «ёзги сарой»  
билан бир жойда бўлган. Дарадаги сой-  
дан анча баландликда жойлашган

# ОЙ БОТАР ТАРАФЛАРДА

■ ЮРТИМИЗ БЎЙЛАБ

бу боққа сопол қувурлар ёрдамида  
сув олиб чиқилган. Ҳозир ҳам у ерда  
ёноқ, топ, терак, арча каби турли ме-  
вали ва манзарали дарактлар экилган  
уч гектарлик боғ бор. Энг муҳими, у те-  
палик сўғориладиган ерлар қаторига  
киради.

#### ҚИРҚ ЧАШМА

Табиатнинг яна бир мўъжизаси  
шундан иборатки, қишлоқдан то  
Алвастикўлгача бўлган масофа ора-  
лигида қирқдан ортиқ чашма учрайди.  
Улардан оқиб чиқадиغان муздай зилол  
сув вужудга роҳат бағишлайди. Ҳар  
бир чашма ёнида идиш бор. Маҳал-  
лий аҳолидан ким тоққа чиқса, шу  
идишлар ёрдамида сув олиб ичиб,  
манзил сари кетаверади. Бу тоғлиқлар  
учун анъанага айланиб қолган.

Энг ҳайратланарлиси, иссиқда тер-  
лаб келган одам бу сувдан ичса, соғи-  
лига умуман зарар етмас, қишда  
ичса ҳам тани қувват олавераркан.  
Чашмалар тоғдан келаётган сойга қў-  
шилиб, қишлоқ ўртасидан оқиб ўтуви  
Оёқчидарёни ташкил этади. Тоғ та-  
рафдан эсаётган салқин шамол эса  
қуёш тик кўтарилганига қарамай, ки-  
шини илдам қадам ташлашга ун-  
дайди, унга ўзгача шиддат ва куч  
бағишлайди.

#### ҚОРОНҒИЛМИ, ҚОРОНҒИКЎЛ?

— Қоронғилнинг ҳам ўзига яраша  
тарихи бор, — дейди Ақтам Бекназа-  
ров. — У сув омбори бўлган. Суви қў-  
пиглидан адоғи кўринмаган. Шунинг  
учун одамлар уни Қоронғикўл деб  
аташган.

Ақтам ака қўли билан чамалаб  
кўрсатган майдон ва баландлиқни

эътиборга оладиган бўлсак, юқорида  
кўрган харобаларимиз сув остида қо-  
либ кетиши керак эди. Демак, аҳоли  
олдин ундан ҳам юқорида яшаган.  
Кейинчалик Қоронғикўлнинг сатҳи  
пасайгани сайин улар ҳам қўйига  
туша бошлаган.

Аваллига ишонмадим. Чунки та-  
раққиёт жаддалашмаган бир даврда  
тоғда бундай ҳашаматли сув омбори  
бўлиши ҳақиқатми ё чўпчак? Ақтам  
Бекназаров эса унинг ростлигини  
исботлаш учун тўғон қурилган ҳудудни  
кўрсатди. Икки томондаги тепаликлар  
ўзаро яқинлашиб келган жойда улкан  
тошлар бир текисда териб чиқилгани,  
ҳақиқатан ҳам, тўғон бўлганини бил-  
дирарди. Лекин бу қайси даврга те-  
гишли эканини, афсуски, маҳаллий  
аҳолидан ҳеч ким билмайди. Ҳар бири  
тонна-тонна оғирликдаги бу тошларни  
ёғоч тиркамалар ёрдамида силжи-  
тиб, тўғон барпо этишган. Тўғоннинг  
баландлиги юз метрга етгани ҳам Қо-  
ронғикўл анча катта бўлганидан дало-  
лат беради. Лекин у кимнинг гоёси бил-  
лан ва нима мақсадда бунёд этилгани  
ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

#### СОПОЛ ИДИШЛАР УСТАХОНАСИ

Қишлоқдаги яна бир тепалик-  
нинг номи Маликтепа. Айрим киши-  
ларнинг гапига қараганда, у ерда  
сопол идишлар ясаладиган уста-  
хона бўлган. Биз ҳам бу гапга қи-  
зиқиб, ўзимизча «археолог»лик қил-  
гимиз келди. Кўп ўтмай, сопол пар-  
чаларини топдик. Улар ён-атрофга  
сочилиб ётарди. Аммо устахонанинг  
тарихи қайси даврга бориб тақали-  
шини ҳеч ким айтиб беролмади. Не-

гаки, унга доир аниқ маълумотлар  
тўлиқ сақланиб қолмаган. Қандайли-  
гидан қатъи назар, бу ҳам қадимий  
устахоналардан бири бўлиши, унда  
қадимдан маданият, ҳунармандчи-  
лик ва чорвачилик ривожланган бў-  
лиши мумкин.

#### МАНЗИЛГА ЕТИБ КЕЛДИК

Ниҳоят, Алвастикўлга етиб келдик.  
У биз ўйлаганчалик катта жойни эгал-  
ламаган экан. Эни ҳам, бўйи ҳам йи-  
гирма метрча келади. Устига-устак,  
Жасур дўстим айтганидек, ўзанини  
қум босган, суви аранг тўпиққа чиқади.  
Айрим кишиларнинг гапларига кўра,  
илгари бу кўлнинг чуқурлиги йигирма  
метрлар атрофида бўлган. Тепасидан  
олти метрлик шаршарадан сув тушган  
ва кўлнинг тугаш жойидан Оёқчисой-  
нинг иккинчи қисми бошланган. Аммо  
бир неча юз йиллик тарихга эга Ал-  
вастикўл бугун жозибасини йўқотган.  
Энди у иккига айрилиб турган Оёқчи-  
сойни бириштириб, ўзи ҳам сойнинг  
бир қисмига айланиб қолган. Унинг бу  
ҳолатга тушиб қолиши, қутилмаганда  
келган сел уни қумга тўлдиргани эса  
табиат сир-синоатларга бойлигидан  
далолат беради.

Албатта, юқорида айтилган фикр-  
лар қанчалик тўри ёки нотўғрилиги  
бизга маълум эмас. Чунки бу ернинг  
ўтмиши билан ҳали тарихчилар қи-  
зиқиб кўришмаган. Шу боис Жанжал-  
тепага оид гаплар, зиндон бўлгани,  
хоннинг «ёзги саройи», Одина Хитой-  
нинг боғи ҳам тарих жумбоқларидан  
бўлиб қолмоқда.

Баҳодир ҲАЛИМОВ  
«ISHONCH»



Мухторжоннинг қўлида гулдай ҳунари бор. Пардозлаш ишла-  
рида унинг олдига тушадигани йўқ. Камига уч кунда бир  
марта қайсидир ташкилотда қоровуллик ҳам қилади.

Шу кунларда синглиси Адо-  
латхон қизини унаштириб,  
куёвга узатиш арафасида. Мух-  
торжон унинг акка-ю ёлғиз жи-  
гари — акаси. У бундай вақтда  
қўл қовуштириб четдан кузатиб  
туришни ўзига эп кўрмади.

Бир қарасангиз, қурилиш  
моллари дўконига шошган, яна  
бир қарасангиз, синглисининг  
уйини таъмирлаш билан овора.  
Бир ҳафта деганда, деворлари  
нураб, қаровсиз ҳолга келиб  
қолган уйлар яраклаб, одам-  
нинг кўзини қувнатадиган дара-  
жада файз кирди.

Адолатхон қувончдан ўзини  
кўярга жой тополмай қолди.  
Ахир, қувонмай бўладими, тўй  
арафасида ҳали-бери туга-  
майдиган ташвишлари ариди.  
Ёлғизгина акаси, دادасидан  
қолган ёдгорининг кумагидан  
кузларига ёш инди.

— Тоғдай таянч бўлган, ака-  
жоним.., — деди-ю бошқа га-  
пиролмади. Юраги тўлиб, кўз-  
ларидан дувуллаб оқаётган  
ёшлари юзларини ювди.

Шу дамда раҳматли ота-  
жониси тирилиб келгандай бўлди.

— Ия, нимага йиғлайсан, кўз  
ёш қилма, жон синглим. Имкон  
топиб, тўй базминини ҳам ўзим ўт-  
казиб бераман. Сен фақат ор-  
тиқча ташвиш чекма, мен бор-  
ман, — деди Мухторжоннинг  
кўнгли бўшаб.

Мана шу бир оғиз гапи  
синглисининг кўнглини тоғдек  
кўтарди.

Улуғларнинг айтишича,  
опа-синглини йўқлаб ҳосилга  
кириб турган буғдойзор оралаб  
борилса ҳам гуноҳ бўлмас экан.  
Ёки йўлда кетаётганда «Анави  
қишлоқда синглим яшайди»,  
дея ўша томонга нигоҳ ташлаб  
қўллар одамнинг юзини дўзах  
ўти куйдирмас экан.

Келинг, ҳеч бўлмаганда бу-  
гун дунё ташвишларини уну-  
тинг-да, опа-синглиларингизни  
зиёрат қилинг. Сиз билан биз  
тирикчилик ташвишлари бил-  
лан бўлиб, уларни еслашни ҳам  
унутгандирмиз. Улар эса йўли-  
мизга кўзлари нигорон бўлиб  
бизларни кутаётгандир...

Анваржон ҲАЛИМОВ  
«ISHONCH»

Китоб инсонни буюкликка  
етақлайди. Ҳозир китоб  
ўқиш учун имкониятлар  
катта. Қоғоз шаклидаги ки-  
тоблардан ташқари, элект-  
рон китоблар, аудио китоб-  
лар бор. Улар учун махсус  
жой ҳам керак эмас. Теле-  
фонингизга юклаб олсангиз  
ёки шунчаки интернетингиз  
ишлаб турса бас...

Кейинги йилларда мамлака-  
тимизда кутубхоналарга, китоб-  
хонликка катта эътибор берил-  
моқда. Ҳар бир вилоят, шаҳар  
ва туманларда ахборот-кутуб-  
хона марказларининг барпо  
этилиши ва китобхонликка оид  
турли тadbирлар ўтказилиб ке-  
линаётгани бунга яққол мисол  
бўла олади.

Ҳар йили анъанавий тарзда  
давом эттирилаётган шун-  
дай тadbирлардан бири «Ки-  
тобхонлик ҳафталиги»дир. Бу  
йил «Ўзбекистон китобхонлар  
юрти» широри остида ўтказил-  
ган тadbирлар доирасида рес-  
публикаимизнинг барча ахбо-  
рот-кутубхона марказларида ки-  
тоб кўргазмалари, янги китоблар  
тақдимотлари, китобхонликка  
оид давра суҳбатлари, шоир ва  
ёзувчилар билан ижодий учра-  
шувлар, кутубхонага саёҳатлар

Мароқли  
дам олинг,  
азиз газетхон!



# КИТОБ ЎҚИЙМАН, ДЕГАНГА ИМКОНИЯТ КЎП

Китобсиз тараққиётга, юксак маънавиятга  
эришиб бўлмайди

Шавкат Мирзиёев

Китоб ўқиш жараёнида эса  
кўз нури равшанлашади. Са-  
баби, мутлоаа пайтида кўзи-  
миз ҳаракатланади ва кўз қон  
томирларида қон айланиши ях-  
шиланади. Фикримиз тиникла-  
шади, кайфиятимиз кўтарилади,  
асардаги турли воқеа-ҳодиса-  
лар асосида янги гоёлар кашф  
этамиз. Фикр доирамиз кенг ва  
ишончли бўлади.

Оилада ота-оналар фарзанд-  
ларга ҳар қандай эзгу ишда,  
жумладан, китоб ўқишда ҳам  
ибрат бўлмоғи зарур. Фарзанд-  
ларига китоб соғва қилишлари,  
кутубхоналарга олиб бориш-  
лари керак. Бундай ишларни  
одат тусига айлантириш ёш ав-  
лоднинг китобга бўлган меҳрини  
ошириши шубҳасиздир.

Моддий бойлиқни ишлатган-  
нингиз сари камайд, маъна-  
вий бойлик эса аксинча кўпая-  
ди. Маънавий бойликка эга бў-  
лишнинг энг яхши, осон ва қулай  
усулларидан бири шубҳасиз — ки-  
тоб ўқишдир.

Холмирза МЕЛИБОЕВ,  
Бахмал тумани Ахборот-  
кутубхона маркази  
мутахассиси

Азим Муллахонов ижросида

«ОТА»  
қўшиғи

Деразамнинг остида тонгда  
Сайраган қуш сизмасми, ота?  
Ё тўнимга кўклам, мазорда  
Ёпишган гул сизмасми, ота?

Хуршид Даврон шеъри

#### MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda  
O'zbekiston Matbuot  
va axborot agentligida  
116-raqam bilan  
ro'yxatga olingan.



«Ishonch» va «Ishonch-Доверие»  
gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV  
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV,  
Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV,  
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV,  
Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA,  
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),  
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib — «Ishonch»),  
Valentina MARSENYAN (Mas'ul kotib — «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir  
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'satilishi shart.  
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

#### Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti — (71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot — (71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — (71) 256-82-79  
Xalq va muxbirlar bilan ishlash — (71) 256-85-43  
Marketing va obuna — (71) 256-87-73

#### Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-99) 889-98-20  
Andijon viloyati — (+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati — (+998-99) 889-90-31  
Navoiy viloyati — (+998-99) 500-05-12  
Jizzax viloyati — (+998-99) 889-90-34  
Namangan viloyati — (+998-93) 213-09-66  
Samarqand viloyati — (+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati — (+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati — (+998-90) 379-19-70  
Toshkent viloyati — (+998-99) 600-40-44  
Farg'ona viloyati — (+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati — (+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati — (+998-97) 705-08-93

#### Navbatchi muharrir:

Alijon Abdurrahmonov

#### Musahhihlar:

Dilorom Xudoyberganova,  
Ulmda Xudoyberganova

#### Sahifalovchi:

Hasan Abdullajilov

#### Bosishga topshirish vaqti:

Topshirildi — 18:30  
Topshirildi — 18:50

#### Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

#### Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri,  
Buxoro ko'chasi, 24-uy.  
E-mail: ishonch  
1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

#### Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga

bosmaxona mas'ul.  
Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

#### Umumiy adadi 32 449 ta

Shundan: 6 258 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi —

Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uyda;

18 276 nusxasi

«Eruditi» MCHJ bosmaxonasi —

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

7 915 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi —  
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi,  
236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-511

1 2 3 4 5 6